

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.431(575.1)

ТОПИЛДИЕВ СОХИБЖОН РАХИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР МУНОСАБАТЛАР
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

08.00.01 - Иқтисодий назария

**иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

**Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университетида бажарилган**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Эгамбердиев Фармонқул Турсунқулович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Вахабов Абдурахим Васикович
иқтисод фанлари доктори, профессор
Абулқосимов Хасан Пирназарович

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Ҳимоя Тошкент молия институти ҳузуридаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.60.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил “___” _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлади.

Манзил: 100000. Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-А уй.

Диссертация билан Тошкент Молия институтининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил “___” _____ да тарқатилган.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, география
фанлари номзоди, доцент

Азимов Ш.А.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг деярли 18,2 фоизи, меҳнатда банд бўлганларнинг 30 фоизга яқини агросаноат мажмуаси ҳиссасига тўғри келади, шунингдек, аҳолининг 64 фоизи қишлоқ жойларида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ”Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”¹.

Ўзбекистон Республикаси аграр тармоғида иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш босқичларини тарихий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалиги тармоғини ислоҳ қилиш тажрибасини умумлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Юқорида қайд этилганлар аграр иқтисодиётдаги муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул ечимларини топиш ва унинг ўзини модернизациялаш орқали миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнига таъсирини кучайтириш имконини беради. Ушбу ҳолатлар аграр муносабатлар тарихини чуқур таҳлил қилиш ва алоҳида минтакалари кесимида ўрганишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Аграр муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим жиҳатлари МДХ олимларидан В.И.Бутов, Д.Д.Болдоржиев, А.Г.Гранберг, В.Демьяненко, Н.П.Кетова, Е.Серова, В.Я.Узун, Р.И.Шнипер, А.Ю.Юданов, А.К.Ястеребоваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган². Аксарият олимларнинг фикрича, аграр бозорлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади / - Тошкент, Ўзбекистон, 2011. - Б.11.

² Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.О. Основы региональной экономики. Учебное пособие. - Ростов н/Д, 2001. - С. 448.; Болдоржиев Д.Д. Экономическая теория. Учеб. пособие для ВУЗов. - Смоленск. Смоленский регион ИРА, 2002. - С. 98.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики: Учебник для вузов. - М.: ГУ ВШЭ, 2000. - С. 496.; Демьяненко В., Рылко Д. Проблемы формирования и функционирования рынка сельскохозяйственных земель. - М.: Сборник «Год планеты», 1998. - С.110.; Кетова Н.П. Равновесии рынка земли и недвижимости // Макроэкономика. Учебно-методическое пособие. - М.: Ростов н/Д, 1997. - С. 56.; Агропродовольственные рынки России: опыты исследования / Серова Е. АЦ АПЭ, 2000 (<http://management.edu.ru/db/msg/128017.html>); Узин В.Я. Приватизация земли и реорганизация сельскохозяйственных предприятий, идеи, механизмы, результаты, проблемы // Реорганизация сельскохозяйственных предприятий: их эффективность и устойчивое развитие материалы семинара. Голицыно. - М., 1999. - С. 76.; Шнипер Р.И., Новоселов А.С. Региональные проблемы рынковедения: Экономический аспект. - Новосибирск, ВО «Наука», 1993. - С. 342.; Успенский В.А. Аграрный рынок России // Микроэкономика теория и российская практика / Юданов А.Ю., Думная Н.Н., Успенский В.А. и др. -М.: ИТД «Кно Рус», 2002. - С. 132.; Ястребова О.К. Введение в агробизнес. - М.: Изд. Московского Университета, 1994. - С.112.

камраб олган ҳолда ер ресурслари бозори билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият олиб борсагина, провард мақсадга тезроқ эришилади.

Ўзбекистонда аграр муносабатларни такомиллаштириш масалаларига А.Абдуғаниев, М.Абдусалямов, О.Абдуллаев, В.Р.Абдуллаев, А.Ф.Хуррамов, Ч.Муродов, Ф.Назарова, Ф.Т.Эгамбердиевлар ўз илмий ишларида алоҳида эътибор қаратган³. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни, улгуржи бозорлар ва қайта ишлаш ҳисобидан келадиган самарадорлик, минтақаларда ер ресурслари тақсимооти, ердан самарали фойдаланиш бўйича А.А.Абдувасиқов, Ф.Б.Аминов, О.С.Жумаев, А.С.Рахматуллаев, А.Х.Тошқулов, К.И.Кундузовлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган⁴.

Умуман олганда, мамлакат ривожланишининг турли тарихий босқичларида аграр муносабатларни ислоҳ қилиш масалалари бўйича комплекс илмий ишланмалар иқтисодий адабиётларда етарлича очиб берилмаган. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг тарихий-иқтисодий таҳлили муаммосининг долзарблиги, уни ўрта ва узоқ муддатли даврда янада такомиллаштириш йўналишларини асослаб бериш зарурати, диссертация тадқиқоти мавзусини танлаш учун асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг қонуниятларини аниқлаш, ўрта муддатли истиқболда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

³ Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б.; Абдусалямов М.А. Принципы, подходы и основные результаты первого экономических реформ в Узбекистане. // Стратегия реформ и макроэкономическая стабилизация. Абдусалямов М.А., Голышев В.А., Каримов Р.К. и др. - Т.: UNDP, 1996. - С. 141.; Абдуллаев О. Жумхуриятлараро агросаноатни ташкил этиш муаммолари. - Т.: Мехнат, 1991. – 215 б.; Абдуллаев В.Р. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш (пахта толаси экспорти мисолида). Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2001. – 45 б.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2001. - 40.; Назарова Ф. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари. Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2001. – 42 б.; Хуррамов А.Ф. Ўтиш иқтисодиётида мулк муносабатлар ва уларнинг аграр соҳадаги хусусиятлари. Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎЗМУ, 2005. – 42 б., Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики. Автореф. дис...докт. экон. наук. - Т.: НУУз, 2003. – 40 с.

⁴ Абдувасиқов А.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Тошкент вилояти аграр ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар самарадорлиги. Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎЗМУ, 2005. – 20 б.; Аминов Ф.Б. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий хусусиятлари (Қашқадарё вилояти мисолида) Иқт. фан. ном. дис. автореф. - Т.: ЎЗМУ 2004. – 20 б.; Жумаев О.С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозорлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: Иқт. фан. ном. дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2005. – 19 б.; Рахматуллаев А.С. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқт. фан. ном. дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2002. – 20 б.; Тошқулов А.Х. Солиқ солиш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий рағбатлантириш механизмлари (Сурхондарё вилояти мисолида). Иқт. фан. ном. дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 24 б., Кундузова К.И. Турли хўжалик юритиш шаклида қишлоқ хўжалиги корхоналарида экинларни жойлаштиришни оптималлаштириш орқали ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари (Фарғона вилояти мисолида). Иқт. фан. ном. дис. автореф. - Т.: ЎзБИИТИ, 2005. – 22 б.

Диссертация иши мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- аграр секторнинг миллий иқтисодиётни модернизация қилишдаги ўрни ва унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

- аграр муносабатлар ривожланишининг ва ислоҳ қилишнинг босқичлари, улар учун хос асосий хусусиятларини тадқиқ этиш;

- бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда аграр секторни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг мазмуни ва амалга ошириш механизминини ёритиб бериш;

- агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кооперациялаш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда уни замонавий шароитларга мослаштириш имкониятларини очиб бериш;

- аграр соҳани тартибга солишнинг бозор ва давлат бошқаруви усулларининг ўзаро самарали нисбатини аниқлаш, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини умумлаштириш асосида аграр соҳадаги таркибий ўзгаришларни, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ислохотларни чуқурлаштириш йўналишларини таҳлил қилиш;

- кўп укладли иқтисодиётда аграр соҳада бозор муносабатлари шаклланишининг омиллари ва ривожланиш босқичларини асослаб бериш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини оширишни истиқболли йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон аграр соҳа тармоқларининг 1917 – 2010 йиллардаги ҳолати олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси хизмат қилади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишини ёритишда диалектик, тарихий, ретроспектив, тизимли ва қиёсий таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, динамик қаторлар, монографик кузатиш, индексли ранжирлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси тарихий-иқтисодий тажрибани таҳлили асосида иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини оширишда мулк шаклларида унумли фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Ўзбекистонда аграр секторининг ривожланиши қонуниятлари ва хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланган:

- Ўзбекистонда аграр тармоққа хос умумий қонуниятлар (асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ердир, хусусан, суғориладиган ерлардан фойдаланиш; ишлаб чиқаришнинг ўзига хос воситалари – биологик қонуниятларга бўйсунадиган ўсимликлар ва ҳайвонлардан фойдаланиш; тупроқ-иқлим ва табиий шарт-шароитларга юқори даражада боғлиқлик; тармоқнинг ўзида ишлаб чиқариш воситалари сифатида тайёр маҳсулотдан фойдаланиш; фонд сиғимининг юқорилиги; капитал айланмасининг

пастлиги; қишлоқ хўжалиги маҳсулотига талабнинг нарх бўйича мослашувчан эмаслиги ва ҳ.к) аниқланган;

- аграр муносабатлар қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб турган: ерга нисбатан давлат мулкчилигининг мавжудлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида давлат органлари аралашувининг юқорилиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат томонидан сотиб олиниши микдорий кўрсаткичларини натурал ифодада ошириш таъминли асосида режалаштириш ва ташкил қилиш, нархни шакллантириш тизимининг мукамал эмаслиги;

- Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун хос белгилар: географик (суғориладиган зонада қишлоқ хўжалигини юритиш), аҳолининг тарихий тажриба ва махсус кўникмаларга эгаллиги, марказлашган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ихтисослашувнинг (экин майдонлари тузилмасида пахта хомашёси улушининг юқорилиги) юқорилиги;

2. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аграр муносабатларни ривожлантиришнинг қуйидаги белгилари аниқланди: бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллариининг шаклланиши, қишлоқ хўжалиги ривожланишида фермер хўжаликлари ролининг тўхтовсиз ортиши, тармоқларни таркибий ўзгаришини (ғалла экинлари улушининг кўпайиши) амалга оширилаётганлиги;

3. Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш асосида агросаноат ишлаб чиқаришини амалга оширишнинг тараққий этишини тарихан синалган шаклларида фойдаланиш зарурати асослаб берилди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитларида қишлоқда турли кооперацияни самарали шаклларида унумли фойдаланилаётганини ташкил қилиш омихта ем, ўғитлар, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш, агрономик, ветеринар ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишда ёрдам кўрсатиш, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва аграр соҳа маҳсулотларини рақобатбардошлигини оширади.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

- аграр секторда озиқ-овқат хавфсизлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорлигининг асоси бўлмиш мураккаб иқтисодий, бошқарув ва институционал муносабатлар тизимлаштирилди;

- аграр муносабатлар ривожланишининг қуйидаги босқичлари аниқланди: дастлабки босқич (1917-1924 йй.) – ер ислохотларининг амалга оширилиши; жамоалаштириш доирасидаги ривожланиш босқичи (1925-1958 йй.); бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари кучайиш босқичи (1959-1990 йй.); аграр муносабатларнинг ислох этиш босқичи (1991-2004 йй.); қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва барқарор ривожлантириш босқичи (2005 дан ҳозирга қадар.);

- аграр соҳани тарихий ривожланиши қуйидаги мезонлар асосида ажратиб олинди ва улар учун хос белгилари асосланди: қишлоқ хўжалиги ривож топган

ижтимоий-иқтисодий тизим тури; тарихий омилларнинг тармоқни ривожланишига таъсири; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш микдорий кўрсаткичларининг ўзгариши, институционал муҳитнинг такомиллаштирилиши ва ҳ.к.;

- республика аграр секторини ривожланиш хусусиятлари географик (суғориладиган зонада қишлоқ хўжалигини юритиш), ташкилий-иқтисодий (аҳоли тажрибаси ва кўникмаларидан фойдаланиш, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг юқори салмоғи), таркибий (экин майдонларида пахта хомашёси ва ғалла экинлари салмоғининг юқорилиги), институционал (аҳолининг бозор шароитларига янада тезроқ мослашиши, хусусий мулкдорларнинг пайдо бўлиши, аграр секторнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳ.к.) омилларнинг бирикуви туфайли шаклланди;

- қишлоқ хўжалигини кооперациялаштиришга оид тарихий тажрибани аграр соҳани модернизациялаш шароитларда қўллаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди, ушбу таклифлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига қишлоқда ишлаб чиқариш воситалари, янги техника ва хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради;

- қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларини бозор муносабатларига мослашуви фақат давлат ва бозор бошқаруви механизмларининг уйғунлашуви таъминлангандагина самарали бўлиши асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқотини амалга ошириш жараёнида олинган назарий хулосалар, фикр ва мулоҳазалар иқтисодий ҳамда аграр ислохотларни такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари ва босқичларини таҳлил этиш асосида аниқланган қонуниятлар ҳамда аграр секторда бозор ислохотлари зарурлигини таҳлили аграр тармоқ рақобатбардошлигининг ошишига асос бўлади.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари республикаимиз ва унинг минтақаларида аграр секторни ривожлантириш стратегиялари ва мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида “Иқтисодий назария”, “Миллий иқтисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари ва амалий таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва Сув хўжалиги масалалари Қўмитаси томонидан келгусида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аграр соҳани қайта ислоҳ қилишнинг иқтисодий йўналишлари ва қонунчилик асосларини такомиллаштиришда (2010 йил 18 майдаги 04/4-02/386-сонли далолатнома) ва Ўзбекистон

Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги томонидан (2010 йил 24 майдаги 08-193-сонли хати) маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кредитлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аграр соҳани ривожлантиришда, Ўзбекистон Миллий университети томонидан (2010 йил 18 майдаги 07-1730-сонли далолатнома) ўқув жараёнида, “Иқтисодий назария”, “Миллий иқтисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” —курслари бўйича маърузалар ўқишда, ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий ғоялар ва амалий натижалар муаллиф томонидан қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ҳамда маъқулланган: “Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа бозор инфратузилмасининг ривожланиши муаммолари” (Тошкент, 2008); “Ўзбекистон иқтисодиётида эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари” (Тошкент, 2008); “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари” (Гулистон, 2008); “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари” (Тошкент, 2009); “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси” (Тошкент 2009); “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси” (Тошкент, 2009); “Баркамол авлод — мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти пойдевори” (Тошкент, 2010)

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетининг “Иқтисодий назария” кафедраси кенгайтирилган мажлисида, Тошкент Молия институти хузуридаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлигида Д 067.60.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгашнинг Илмий семинари мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари бўйича 11 та илмий мақола ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишини таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ҳажми 152 бетдан иборат бўлиб, 8 та жадвал, 4 та расмларни мужассамлаштирган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Аграр муносабатларнинг шаклланишининг тарихий ва назарий жиҳатларини тадқиқ қилишга методологик ёндашувлар” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий ва ташкилий-иқтисодий жиҳатлари ўрганилган. Ушбу масала кенг қамровли бўлиб, методологик нуқтаи назардан, бир томондан аграр муносабатларнинг ривожланишини, иккинчи тарафдан эса,

жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасига хос бўлган шароитни биргаликда тадқиқ этишни тақозо этади.

Аграр муносабатларнинг тарихий воқелиги ҳам аграр сектордаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ўзига хос муҳим хусусияти жаҳон иқтисодиётида юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларини (молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) мураккаб, зидиятли характери билан белгиланади.

Диссертация ишида республикамиз иқтисодиёти аграр сектори ривожланишининг иқтисодий қонуниятлари аниқланди ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сув ресурслари танқислигининг кучайиб бориши шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг суғориладиган деҳқончиликка асосланганлиги;

- аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг ўзига хос воситаларидан – биологик қонунлар асосида ривожланадиган ўсимликлар ва ҳайвонлардан фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда географик жойлашуви (эски суғориладиган зона, янги ўзлаштирилган ерлар, тоғ-тоғолди ва чўл-яйлов зоналари ва ҳ.к.);

- табиий-ҳудудий тизимларнинг барча компонентлари ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳисобга олиб ишлаб чиқариш жараёнлари ва экологик чекловларнинг мувофиқлаштириш зарурати;

- тармоқнинг ўзида тайёр маҳсулотдан (уруғлар, ем-хашак, ёш қорамол ва ҳ.к.) ишлаб чиқариш воситалари сифатида фойдаланиш;

- фонд сифимининг юқорилиги (сув хўжалиги объектларининг), капитал айланиш тезлигини (ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, аграр сектор тармоқларининг технологик хусусиятлари);

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг нарх билан мос эмаслиги, монополизм учун шароитларнинг йўқлиги (товар ишлаб чиқарувчилар сонининг кўплиги).

Фикримизча, аграр сектор, мураккаб ишлаб чиқариш ва иқтисодий мажмуа сифатида ўзининг шаклланиш, ривожланиш ва трансформацияланиш каби тарихий ривожланиш босқичларига эга. Аграр муносабатлар ривожланишининг турли даражасини ифода этувчи ушбу босқичларни методологик жиҳатдан тўғри белгилаш учун тегишли мезонлардан фойдаланиш зарур.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, диссертация ишида қуйидаги мезонлар асосида аграр сектор ривожланишининг тарихий босқичларга ажратилди:

- қишлоқ хўжалиги ривож топган ижтимоий-иқтисодий тизим тури;
- тарихий омилларнинг тармоқни ривожлантиришга таъсири;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдорий кўрсаткичларининг ўзгариши;
- институционал муҳитнинг такомиллашуви;
- қишлоқ хўжалиги меҳнати мотивациясининг ўзгариши;

- бозор ва давлат бошқарувининг ўзаро уйғунлашуви моделига хос белгиларни ажратиш.

Юқоридаги мезонлар асосида Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг ривожланиши қонуниятлари ва хусусиятларини тадқиқ этиш муаллифга унинг бешта босқичини ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Аграр муносабатларнинг ривожланиш босқичлари⁵

Босқич-лар	Хусусиятлари
1917 - 1924 йй.	- аграр соҳада национализация жараёнларининг зўравонлик билан амалга оширилиши ва деҳқоннинг ердан маҳрум қилиниши; - аграр сиёсатнинг Туркистонни хомашё базасига айлантиришга қаратилиши; - жамоа ерлари ва жамоа мулкнинг барпо этилиши.
1925 - 1958 йй.	- аграр ислохотлар ўтказилишининг ижтимоий аҳамиятга эгаллиги; - ислохотлар натижасида асрлар мобайнида ўзбек қишлоқларида шаклланган ижтимоий-психологик тартиб, миллий қадриятлар бузилишининг бошланиши; - деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш жараёнининг тугалланиши ва кооперация муносабатларининг ривожланиши.
1959 - 1990 йй.	- шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ноэквивалент айирбошлаш ва иқтисодий муносабатларни шаклланиши; - қишлоқ хўжалигига ресурсларнинг қолдиқ тамойиллари асосида молиялаштирилиши; - тенглаштириш тамойили асосида ижтимоий пассивликнинг келиб чиқиши; - Ўзбекистоннинг ресурс имкониятлари даражасига мос келмайдиган асоссиз пахта етиштириш ҳажмларининг оширилиши; - Ўзбекистондаги кескин экологик муаммолар пахта яккахокимлигини тугатиш кераклигини тақозо этиши.
1991 - 2004 йй.	- мустақиллик йилларида аграр соҳада ер муносабатларини такомиллаштириш даври бошланди; - аграр сиёсатда бозор муносабатларининг ривожланиши қишлоқ хўжалигидаги инқирозни тўхтатиш имконини берди; - аграр соҳадаги таркибий ўзгаришлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилди; - самарасиз жамоа хўжаликлари ўрнига ширкат хўжаликларини ташкил этиш бошланди;
2005 йилдан ҳозирги кунгача	- ширкат хўжаликларини ислоҳ қилиш асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш бошланди ва улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етакчи ишлаб чиқарувчиларига айланди; - фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш жараёни бошланди; - фермер ва деҳқон хўжаликлари аграр секторда хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг асосий шаклига айланиб бормокда.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, ўрганилаётган тарихий даврда республикада мустақиллик давригача бўлган шароитда аграр муносабатларнинг ривожланиши амалдаги сиёсат йўналишига бўйсундирилганлиги билан характерланади.

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

Республикада аграр муносабатлар ривожланиш тарихи қиёсий таҳлил этилган ва мустақиллик даврида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва хусусиятлари очиқ берилган.

Ўзбекистонда кўрсатилган даврда миллий ҳудудий чегараланишнинг амалга оширилиши, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг шаклланиши, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва тарихий ривожланишнинг бошқа хусусиятлари билан биргаликда муаллифга аграр муносабатларни беш босқичга бўлиб таҳлил қилиш имконини берди.

I. 1917-1924 йй. – ер ислохотларини амалга оширишнинг дастлабки босқичи. 1917 йилда экин майдонлари 1915 йилдаги 3,5 млн. десятинадан 2,3 млн. десятинага тушиб қолди. Қишлоқ хўжалигининг инкирози туфайли ўлкада бор-йўғи 52 млн. пуд ғалла йиғиб олинди. Аслида ўлканинг ғаллага бўлган эҳтиёжи 111 млн. пудни ташкил этарди, аҳоли учун зарур бўлган бугдой унининг 1 пуди 1916 йилда 5 рублни ташкил этган бўлса, 1917 йилда унинг нархи 45 рублгача кўтарилди⁶.

Ер ислохотларини амалга ошириш даврида қишлоқ хўжалигидаги экин майдонларининг ҳажми кескин камайди. Жумладан, экин майдонлари 1915 йилда 3 млн. 300 минг десятинани ташкил этгани ҳолда, 1920 йилда 1 млн. 200 минг десятинага, яъни икки баробарга қисқарди. Пахта экин майдонлари ушбу давр мобайнида 523,6 минг десятинадан 87,7 минг десятинагача камайди (2-жадвал).

2-жадвал

Туркистон ўлкасида пахта экин майдонлари, унинг ҳосилдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг ўзгариши (1915-1922 йиллар)⁷

Йиллар	Экин майдонлари, минг. дес.	Ҳосилдорлик, пуд. дес	Пахта ҳосили, минг. пуд.
1915	523,6	26,8	14035
1916	533,8	20,6	11011
1917	339,4	16,7	5683
1918	80,0	15,6	1250
1919	103,2	7,0	725
1920	87,7	6,0	525
1921	88,1	4,5	400
1922	51,4	9,8	503

Пахта толасини етиштириш эса 1922 йилда 1915 йилга нисбатан уч бараварга қисқарди. 1915 йилда ҳар бир десятина ердан олинган ҳосилдорлик 26,8 пудни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 1922 йилда 9,8 пудгача пасайган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони кескин даражада қисқариб кетди. Туркистонда 1917 йилда 7 148 800 нафар

⁶ ЎзР МДА. 400-фонд, 1-рўйхат, 2804- иш, 139-варақ.

⁷ Юфев В.И. Справочная книжка по хлопководству. - М.: 1925. - С. 39.

аҳолининг 1 230 700 нафари шаҳарларда, 5 918 100 нафари қишлоқларда яшаган⁸.

Шу даврда вужудга келган муаммоларнинг кескинлиги қишлоқ иқтисодиётини юксалтириш заруратини келтириб чиқарди ва кенг миқёсли аграр ислохотни амалга ошириш уни амалга оширишнинг устувор омилларидан бири сифатида қаралди. 1921-1922 йиллардаги ер ислохотиға қарамасдан, ўзбек қишлоқларида мустамлакачилик даврига хос бўлган кам ерлилик ва ерсизлик каби хусусиятлар сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмас эди. Ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар жами хўжаликларнинг 71,8% ни ташкил этарди⁹.

Ўзбекистон қишлоқлари майда ва тарқоқ ер участкаларига бўлинганлиги билан ажралиб туради. Агротехниканинг соддалиги, ирригация тизимининг қолоқлиги молиявий маблағларнинг етишмаслиги янги ерларни жадал ўзлаштириш имконини бермас эди. Юқоридаги қайд этилганлар ер масаласининг кескинлашувиға олиб келди.

II. 1925-1958 йиллардаги жамоалаштириш босқичи. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг қарийб 80 фоизини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди¹⁰. Аграр сектордаги маҳсулотларнинг аксарият қисми ўртаҳол деҳқонлар томонидан етиштирилар эди. Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда амалга оширилган ер-сув ислохоти натижасида «помешчик типи»даги 1492 та хўжалик тугатилди, 27 992 та хўжаликнинг ери тортиб олинди ёки қисқартирилди, 89 492 та ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликлари чек ерлари олишди¹¹. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, 1925 йилда қабул қилинган «Ер ва сувни миллийлаштириш тўғрисида»ги декретда аграр ислохотларни амалга ошириш йўналишлари ва босқичлари белгилади ва ислохотларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Аграр ислохот туфайли кўпгина камбағал хўжаликлар ер олгач, хўжалик юритишнинг натура шаклларида бозор шакллариға ўта бошладилар ва фаол товар ишлаб чиқарувчиларға айландилар. Жадал суръатларда ривожланиб бораётган кооперация тизими қишлоқнинг иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришида муҳим омил бўлиб қолди. Ўзбекистонда 800 мингга яқин деҳқон хўжаликлари қайд этилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва кредит кооперациясига 635 минг хўжаликлар аъзо бўлган. Тармоқ-пахтачилик кооперациясига 609 мингта хўжалик, чорвачилик кооперациясига 27 минг хўжалик, мева-сабзавот кооперациясига 14,5 минг хўжалик, истеъмол кооперациясига 396 минг хўжалик ва мелиоратив кооперацияға 200

⁸ Отчет о деятельности Туркистанского Экономического Совета за февраль-октябрь м-цы 1921. –Т., - С.24-25.

⁹ ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3097-йиғма жилд, 122-варақ.


¹⁰ ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 26-йиғма жилд, 16-варақ.

¹¹ ЎзР МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5565-йиғма жилд, 34-35-варақлар.

мингга яқин хўжалик аъзо бўлиб кирган. Кўпчилик хўжаликлар бир нечта кооперациянинг аъзолари бўлишган¹².

Жамоалаштиришнинг «жадал суръатлари» туфайли 1930 йилга келиб республика бўйича деҳқон хўжаликларининг 47 фоизи жамоалаштирилди, холбуки, 1929 йил 10 октябрга қадар колхозлар деҳқон хўжаликларининг бор йўғи 3,4 фоизини қамраб олган эди. Агар 1930 йил июнда республикада 6 124 та колхоз мавжуд бўлиб, уларга жалб қилинган деҳқон хўжаликлари 27,1фоизини ташкил этган бўлса, йилнинг охирига бориб, ушбу кўрсаткич 37,7 фоизга, 1931 йилнинг майида 56,7 фоиз, 1 декабрда эса 68,2 фоизга етди. 1932 йилнинг охирларига келиб республикада ижтимоий сектор барча деҳқон хонадонларининг 81,7 фоизини бирлаштирган эди. 800 минг деҳқон хўжаликлари негизида 9734 та колхоз ва 94 та совхоз ташкил этилди¹³. 1937 йилда деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш даражаси 95 фоизга етган бўлса, 1947 йилда бу кўрсаткич 100 фоизни ташкил этди (1-расм).

Совет давлати томонидан амалга оширилган сиёсат қишлоқдаги бозор муносабатларининг барбод бўлишига, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тугатилишига, охир-оқибатда, аграр ишлаб чиқаришнинг издан чиқишига олиб келди. 1924 йилдан 1940 йилгача бўлган даврда совхозларнинг умумий сони республикада 15 тадан 85 тага етди¹⁴.



1-расм. Қишлоқ хўжалигида жамоалаштириш жараёнларининг ривожланиши, фоиз ҳисобида¹⁵

Тадқиқотларимиз натижасида 1925-1929 йилларда амалга оширилган ислохотни оммавий жамоалаштириш (коллективлаштириш) амалга оширилган «қулоқлаштириш» сиёсатининг бошланиши сифатида хулоса қилиш мумкин.

¹² Давыдов А. О кооперативной системе в нашем сельском хозяйстве. - Самарканд. 1929. - № 2.

¹³ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 1-руйхат, 6377-йиғма жилд, 25-варақ.

¹⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Статжегодник. - Т.: 1967. - С. 144.

¹⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. Юбил. стат. сб. - Т.: Узбекистан, 1984. - С. 105.

Ушбу сиёсат қишлоқ хўжалигида маъмурий-бўйруқбозлик тазйқи кучайиши билан иқтисодиётни тартибга солишининг иқтисодий усуллардан воз кечиш тобора яққол кўзга ташлана борганлигини кўрсатди. Маъмурий-бўйруқбозлик усуллари томон кескин бурилиш 1927—1928 йиллар чегарасида намоён бўлди.

III. 1959-1990 йилларда маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг кучайиши босқичи. 1960 йилга келиб Ўзбекистондаги жамоа хўжаликлари сони 1950 йилдаги 3316 тадан 978 тагача қисқарди. Давлат хўжаликлари сони эса, аксинча, 98 тадан 192 тага ортди, 1990 йилга келиб 1108 тага етди¹⁶. Бу ҳол деҳқонларни «ишчиларга айлантириш»дан иборат сунъий жараёнларни кучайтирди, деҳқонларнинг анъанавий турмуш тарзига путур етказилди.

1960-1980-йилларда аграр муносабатлар ривожланишининг навбатдаги муҳим йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш сиёсати илгари сурилди. Ўзбекистон халқларининг фидокорона меҳнати туфайли 1985 йилда республикада 900 та суғориш тизими, 92 та гидротехника иншооти қишлоқ хўжалиги учун ишлаётган эди. Бу вақтга келиб жуда катта ер массивлари қишлоқ хўжалик айланмасига киритилди. Масалан, агар 1946-1965 йилларда 600 мингга ер ўзлаштирилган бўлса, 1966-1985 йилларда эса 1,6 млн. га ер ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 6,9 млн.га ердаги яйловларга сув чиқарилди. Юқоридаги Ўзбекистон аграр секторида эришилган айрим ижобий силжишлар билан бир қаторда турғунлик жараёнлари, танглик ҳолатларининг ривожланиши бошланди. Бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жамоа хўжаликлари иқтисодий ҳуқуқларининг камайиши, уларнинг ўзи яратган моддий бойликлардан четлатиб қўйилганини, самарали меҳнат мотивациясини пастлиги каби ҳолатлар салбий таъсир кўрсата бошлади.

1980-1990 йилларда амалга оширилган «қайта қуриш» ислохотлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш режаси, аграр соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги чора-тадбирлар, кенг миқёсда ирригация-мелиорация ишларини ташкил этиш, кадрларга доир муаммоларни ҳал қилмай қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлай олмади.

Шундай қилиб, аграр ишлаб чиқаришининг хўжалик механизми амалда бўлган хўжалик механизми тизими билан белгиланиб, бу механизм қуйидагиларни ўз ичига олган эди:

- марказлаштирилган режалаштириш ва давлат харидларини натурал кўрсаткичларни ошириш тамойили асосида ташкил қилиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги юзага келган номутаносибликлар;
- ишлаб чиқариш ва агросервис воситаларини ишлаб чиқарувчиларнинг монопол мавқеи;

¹⁶ ЎзР МДА, 90-фонд, 9-рўйхат, 6433-йиғма жилд, 57-варак.

- хўжалик субъектларининг масъулиятини рағбатлантирмайдиган инвестиция сиёсатининг, банк кредити ва давлат дотациялари тизимининг амал қилиши;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мукамал эмаслиги;

- аграр секторнинг экстенсив ривожланиш йўлига асосланиб ривожлантирилиши.

IV. Тўртинчи босқич 1991 – 2004 йилларда аграр муносабатларни чуқур ислоҳ қилиш даври. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, ўша даврда асосий валюта ресурслари, республика учун хаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт қилишни асосий манбаси эди. Республикада мустақиллик йилларида ғалла етиштиришга алоҳида эътибор берилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан «Ғалла мустақиллиги Дастури» қабул қилинди. Натижада республикада ғалла экин майдонлари 1990 йилдан 2005 йилгача 433,1 минг гектардан 1439,7 минг гектаргача кўпайди, ҳосилдорлик 12,8 ц/га дан 41,5 ц/га гача ортди ва ялпи ҳосил 553,5 минг тоннадан 6057,2 минг тоннагача ошди¹⁷.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, қишлоқда аграр ислохот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик тузилмаси шаклланди. Қишлоқда нодавлат сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркиби жиддий ўзгарди.

Шундай қилиб, фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиб туришни такомиллаштириш давлатнинг истиқболдаги аграр сиёсатини амалга ошириш йўналишлари билан узвий боғлиқдир.

V. Институционал ислохотлар асосида қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш босқичи (2005-2009 йй.) Бу даврда фермер хўжаликларини ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонида истиқболда фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябридаги Ф-3077- сонли “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда

¹⁷ Қудратов Ғ.Х. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғини самарадорлигини ошириш(Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқт. фан. докт. ... дис. автореф.. - Т.: БМА. 2008. - Б. 14.

ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йил 1 октябрга қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер хўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер хўжаликларига жами 5 млн. 860,1 минг га. ер майдони бириктирилиб берилди. Битта фермер хўжалигига ўртача ҳисобда илгари 27,0 га. ўрнига амалда 56,0 га. ер майдони тўғри келди. Шундан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига 92,0 га. ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди.

2005-2009 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига орگانлигини кўриш мумкин. Мазкур йилларда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 23,5 фоиздан 2,2 фоизгача қисқаргани ҳолда, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 76,5 фоиздан 97,8 фоизга қадар ошди. Таҳлил этилаётган даврда фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилда 14,1 фоизги тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 34,5 фоизни ташкил этди. Деҳқон хўжаликларининг улуши эса 62,4 фоиздан 63,3 фоизгача ошган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришда институционал тармоқ секторлари улушининг ўзгариши (2005-2009 йиллар, фоизда)¹⁸

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	Ўзгариш
Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-
Шу жумладан: -қишлоқ хўжалиги корхоналари	23,5	6,3	2,6	2,2	2,2	- 21,3
- деҳқон хўжаликлари	62,4	62,3	62,7	65,3	63,3	+ 0,9
- фермер хўжаликлари	14,1	31,4	34,7	32,5	34,5	+20,4

Шундай қилиб, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ўсиши республика ҳукуматининг истиқболда фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айлантиришдан иборат бўлган стратегик мақсадларига тўла мос келади.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Диссертациянинг “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аграр муносабатларни ривожлантириш истиқболлари” деб номланган учинчи бобида аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларнинг асосини ердан фойдаланиш характери ҳал этиши, қишлоқ хўжалигида яратилган меҳнат натижаларидан фойдаланиш, эғалик қилиш каби жиҳатларга боғлиқлиги таҳлил қилинган.

Фикримизча, мустақилликкача бўлган даврда аграр соҳада амалга оширилган ислохотларнинг асосий камчилиги, натижаларининг самарасизлиги аграр муносабатларнинг ва умуман қишлоқ хўжалигининг негизи бўлган ерга муносабат, ерга эғалик масаласини реал ҳал қилинмаганлиги билан боғлиқдир.


Хусусий мулкчиликка асосланган деҳқон ва фермер хўжаликларининг республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикада 2009 йилда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 97,4 фоизи, сутнинг 99,5 фоизи, тухумнинг 67,7 фоизи, меванинг 98,7 фоизи, узумнинг 98,0 фоизи, картошканинг 99,2 ва сабзавотларнинг 99,2 фоизи ушбу хўжаликлар улушига тўғри келди¹⁹. Шу билан биргаликда, аграр секторда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришди (2 расм).

Тадқиқот ишида аграр соҳада ижобий ютуқлар билан бирга, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тадқиқ қилинган. Муаллифнинг фикрича, кўпгина ташкил этилган фермер хўжаликлари бозор иқтисодиёти талабларига сусткашлик билан мослашмоқда. Республикамиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим. Фермер хўжаликлари учун хомашё ресурсларига бўлган талабни қондириш; тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билим даражасини ошириш; ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уларга ажратилаётган имтиёзли кредитларни кўпайтириш; кредитларга устама фоизлар тўланишида турли қийинчиликларни бартараф этиш; меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан солиқ юкини камайтириш; фермер хўжаликлари учун ҳисобот тизимини соддалаштириш; раҳбар тадбиркорлар билими ва малакасини доимий ошириш мақсадида давра суҳбатларини ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш; фермер хўжаликларини ташқи бозорларга чиқишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш.

Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги кооперациясини шакллантириш ва ривожлантириш аграр ислохотларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири сифатида тадқиқ қилинган. Муаллифнинг фикрича, республикада, агросаноат мажмуида кооперация муносабатлари етарли даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчилар талабини тўла қондиришгача бўлган ораликда номутаносибликлар вужудга келишига, ишлаб чиқариш сарфларининг ўсиши

¹⁹ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2009 йил. - Т.: 2010. - Б. 49.

ва маҳсулот нобудгарчилигининг кўпайишига, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига ва йил давомида истеъмол даражасининг табақаланишига олиб келади.




2-расм. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган пахта ва дон маҳсулотларининг ялпи ҳосили ва экин майдонлари динамикаси²⁰.

А. Чаяновнинг фикрича, ўз аъзолари томонидан бошқариладиган кооперация "... марказнинг маъмурий кўрсатмалари билан боғлиқ бўлмаган, хўжалик ишларида мослаша оладиган, ўзи учун фойдали ташаббускорликни тез ва эркин намоён эта оладиган кооперациядир"²¹.

Диссертацияда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ўз ичига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши укладларини шакллантиришга унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари таъсирини олади. Қишлоқ хўжалик кооперациясини ташкил этишда давлатнинг ролини ошириш зарурлиги исботлаб берилди. Қишлоқ хўжалиги кооперацияси табиати қишлоқ хўжалиги бозорлари тузилмасининг уни "мукамал рақобат" бозорларига яқинлаштирувчи иқтисодий моҳияти билан белгиланади. Бундай бозорлар ишлаб чиқарувчилар сонининг кўплиги ва ҳар бир ишлаб чиқариш ҳажмининг бозор миқдорига нисбатан жуда пастлиги билан ажралиб туради. Қишлоқ хўжалиги кооперацияси фермер, деҳқон хўжаликларида ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни таъминлайди, уларга ем-хашак етказиб беради, хизматлар кўрсатади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ёрдам беради. Диссертация ишида кооперативлар тизимини яратиш таклиф этилди, қишлоқ хўжалиги кооперациясининг ташкилий тузилмаси берилган (3-расм).

²⁰ ЎзР Давлат статистика қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

²¹ Чаянов А. Краткий курс о кооперации. - М.: Кооперативное издательство. 1925. - С.12.



3-расм . Қишлоқ хўжалиги кооперациясини ташкилий тузилмаси ²²

Фикримизча кооперация тизими ривожини босқичма-босқич самарали амалга оширмасдан туриб қишлоқда фермерлар ва деҳқонлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ишлаб чиқаришини реал даражада кенгайтириш, қишлоқ ҳудудларида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш каби масалаларни ижобий ҳал қилиш мумкин эмас.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

- Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий жиҳатлари кенг қамровли масала бўлиб, бир томондан аграр муносабатларнинг ривожланиши, иккинчи тарафдан эса, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасига хос бўлган шароитни биргаликда тадқиқ этишни тақозо этади;

- республикамізда мустақиллик давригача бўлган шароитда аграр муносабатларнинг ривожланиши маъмурий-буйруқбозлик тазйиқи кучайиши билан, иқтисодий усуллардан чекиниш, амалдаги сиёсат йўналишига бўйсундирилганлиги билан характерланади;

- тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, мустақилликкача бўлган даврда аграр соҳада амалга оширилган ислохотларнинг асосий камчилиги, натижаларининг самарасизлиги аграр муносабатларнинг негизи бўлган ерга муносабат, ерга эгалик масаласини асосли тарзда, иқтисодий усуллар билан ҳал қилинмаганлиги билан боғлиқдир;

- тадқиқот ишида аграр муносабатлар тор ва кенг маъноларда талқин этилган бўлиб, тор маънода аграр муносабатлар ерни, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш

²² Муаллиф томонидан тузилган.

билан боғлиқ бўлган ички муносабатлар билангина чекланади. Кенг маънода эса аграр муносабатлар ўз ичига соҳа учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва уни сотувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида вужудга келадиган алоқаларни қамраб олади;

- ерга бўлган муносабатларни давлат мулкчилиги асосида амалга ошириш, мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилишнинг асосий хусусиятли жиҳати ҳисобланади. Мамлакатимизда ерга бўлган давлат мулкчилигининг зарурлиги тарихий, ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири, мураккаб ирригация иншоотлари ва суғориладиган деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади.

Диссертация ишида Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг таҳлил қилиш асосида аграр соҳани модернизация қилиш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- давлатнинг аграр сиёсати тармоқ маҳсулотлари бозорида талаб-таклиф мувозанатини таъминлаш ва фермер хўжалиги харажатларини қисқартириш, тармоқ маҳсулотларини сотиб олиш ва унга хизмат кўрсатувчи соҳалардаги монополия ва монополь бозор имкониятларини чеклашга қаратилиши лозим;

- фермер хўжаликларининг муаммоларидан бири ишлаб чиқариш харажатларининг кўплиги ва фойдаси кам бўлганлиги натижасида уларнинг даромадлари миқдорини харажатлардан пастлиги туфайли такрор ишлаб чиқариш имкониятлари доимо мавжуд эмаслигидир. Бу муаммо кооперация асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан ҳал қилинса, қишлоқда янги иш ўринлари яратилиши билан бирга, фермер хўжаликларида банд бўлганларнинг даромадини ва турмуш даражасини ошириши мумкин;

- фермер хўжаликларини тадқиқ этиш амалиёти улар асосида тузилган қишлоқ хўжалиги тизими Ўзбекистон учун муҳим иқтисодий, ижтимоий, бозор тамойилларига жавоб берувчи соҳа эканлигини кўрсатмоқда;

- қишлоқ хўжалиги ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини республика хусусиятларига мувофиқ ижодий тарзда қўллашда, бу соҳада катта ютуқларга эришган чет давлатлар тажрибасини ўрганиш ва бунинг асосида аниқ мақсадга йўналтирилган илмий назарий дастурларни ишлаб чиқиш, чет мамлакатлар тажрибаси билан қишлоқ хўжалигида банд бўлган фуқароларни хабардор қилиш, бу борада махсус услубий қўлланмалар тайёрлаш ва ўрганилган тажрибаларни таҳлил қилиш ҳамда амалда қўллаш механизминини ишлаб чиқиш лозим;

- қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот рақобатбардошлигини оширишни тақозо этувчи инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти асосланган. Аграр секторнинг инновацион ривожланишини самарали бошқариш механизминини ишлаб чиқишни кўзда тутувчи инновацион ривожланиш стратегияси элементлари таклиф этилган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Топилдиев С.Р. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари ва тамойиллари // Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида минтақа бозор инфратузилмасининг ривожланиши муаммолари мавзусидаги “Ёшлар йили” ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетнинг 90 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2008. - Б. 226-229.
2. Топилдиев С.Р. Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш даврида аграр муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари // Ўзбекистон иқтисодиётида эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. - Тошкент. “Иқтисод-Молия”, 2008. - Б. 189-192.
3. Топилдиев С.Р. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари // Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва соҳада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари. Республика илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. - Гулистон, 2008.- Б. 49-50.
4. Топилдиев С.Р. Аграр муносабатлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари // Жамият ва Бошқарув. - Тошкент, 2008. - 4-сон. - Б. 121-122 .
5. Топилдиев С.Р. Этапы развития аграрных отношений в Узбекистане // Экономика и финансы. – Москва, 2009. - №1. - С. 62 - 66.
6. Топилдиев С.Р. Некоторые аспекты совершенствования механизма инвестирования сельского хозяйства // Двадцать вторые международные Плехановские чтения . - Москва, 2009. - С. 524-525.
7. Топилдиев С.Р. Аграр соҳада таркиб топган мулкчилик шакллари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатиш омиллари ва уни бартараф этиш йўллари. Илмий ишлар тўплами. - Тошкент, 2009. - Б. 130-134.
8. Топилдиев С.Р., Назаров А.Т. Аграр секторда табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари // Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. - Б. 258-260.
9. Топилдиев С.Р., Олимжонова Ш.О. Қишлоқ хўжалигида ерга бўлган муносабатларнинг ўзгариши ва уни такомиллаштириш // Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ва мутаносиблигини мустаҳкамлаш бугунги куннинг устувор вазифаси. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. - Б. 388-390.
10. Топилдиев С.Р. Баркамол авлод – илмий тараққиёт ва интеллектуал билимнинг пойдевори // Баркамол авлод – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарққиёти пойдевори мавзусидаги ёш олимлар, иқтидорли талабалар ва магистрларнинг анъанавий апрель конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2010. - Б. 27-30.
11. Топилдиев С.Р. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш // “Жамият ва Бошқарув” журнали махсус сон. – Тошкент, 2010. - Б. 357-358.

**Топилдиев Сохибжон Рахимжоновнинг 08.00.01 – “Иқтисодий назария”
иқтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун “Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий
жиҳатлари” мавзусидаги диссертация тадқиқотига
РЕЗЮМЕ**

Асосий сўзлар: аграр сектор, аграр муносабатлар, бозор муносабатлари, қонуниятлар, хусусиятлар, жамоалаштириш, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, кооперация.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон аграр соҳа тармоқларининг 1917-2010 йиллардаги ҳолати олинган.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистонда аграр муносабатлар ривожланишининг қонуниятларини аниқлаш ва ўрта муддатли истикболда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: диалектик, тарихий, ретроспектив, тизимли ва қиёсий таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, динамик қаторлар, монографик кузатиш, индексли ранжирлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: аграр сектор функцияларини аниқлашга услубий ёндашувлар тизимлаштирилди; аграр муносабатлар ривожланишининг тарихий босқичлари ажратилди; таклиф этилган мезонлар асосида ажратилган босқичлар белгилари тавсифлаб берилди; республикаимиз аграр секторининг эволюцион, тарихий ва трансформацияловчи омиллар билан географик, табиий-иқлими, ташкилий-иқтисодий, таркибий ва институционал омиллар бирикувидан иборат ривожланиш хусусиятлари аниқлаб берилди; қишлоқ хўжалиги кооперациясининг тарихий тажрибасини замонавий шароитларда қўллаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди; қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларининг бозорга мослашуви фақат давлат ва бозор бошқаруви механизмларининг уйғунлашуви таъминлангандагина самарали бўлиши асосланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг ҳозирги замон хусусиятларини ҳисобга олиб давлатнинг ўрта муддатга бағишланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда, олий ўқув юртларида “Иқтисодий назария”, “Миллий иқтисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Жорий этилганлик даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалиётида, Ўзбекистон Миллий университети томонидан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: аграр соҳа, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

**на соискание ученой степени кандидата экономических наук
Топилдиева Сохибжона Рахимжановича по специальности 08.00.01 –
«Экономическая теория» на тему диссертационного исследования
«Исторические аспекты развития аграрных отношений в Узбекистане»**

Ключевые слова: аграрный сектор, аграрные отношения, рыночные отношения, закономерности, особенности, коллективизация, фермерские хозяйства, дехканские хозяйства, кооперация.

Объект исследования: состояние отраслей аграрного сектора экономики Узбекистана в 1917-2010 годах.

Цель исследования: выявление закономерностей развития аграрных отношений в Узбекистане, выработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на повышение эффективности сельского хозяйства в ближайшей перспективе.

Методы исследования: диалектический, исторический, ретроспективный, системный и сравнительный анализ, абстрактно-логическое мышление, динамические ряды, монографические наблюдения, индексное ранжирование и др.

Полученные результаты и их новизна: систематизированы методологические подходы к определению функции аграрного сектора; выделены исторические этапы развития аграрных отношений; на основе предложенных критериев обоснована характеристика особенностей выделенных этапов; выявлены особенности развития аграрного сектора республики, сочетающиеся с эволюционными, историческими и трансформационными, географическими, природно-климатическими, организационно-экономическими, структурными и институциональными факторами; разработаны предложения по использованию исторического опыта сельскохозяйственной кооперации в современных условиях; обосновано положение о том, что адаптация товаропроизводителей сельскохозяйственной продукции к рынку эффективна лишь при органичном взаимодействии государственного и рыночного регулирования, являющегося решением одной из приоритетных задач аграрной политики республики.

Практическая значимость: результаты исследования могут быть использованы при разработке целевых программ с учетом современных особенностей и направлений, осуществляемых аграрных реформ, а также в преподавании в высших учебных заведениях таких дисциплин, как: «Экономическая теория», «Национальная экономика», «Региональная экономика», «Экономика сельского хозяйства».

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации внедрены в практическую деятельность Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, а также в учебный процесс Национального университета Узбекистана.

Область применения: аграрное направление, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Topildiev Sohijon Rahimjonovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in economy on speciality 08.00.01 – “Theory of Economics” subject: “The historical features of developing agrarian relations in Uzbekistan”

Key words: Agrarian sector, agrarian integration, market relations, regularities, peculiarities, collectivization, farmer-peasant sectors, cooperation.

Subject of research: The condition of branches of agrarian sectors of the economy in Uzbekistan within 1917-2010.

Purpose of work: The revealing of regularities in the development of agrarian relations in Uzbekistan, the developing of scientific offers and practical recommendations aimed at the rising of effectiveness of agriculture in future.

Methods of research: Dialectical, historical, retrospective, systematic and comparative analysis, abstract-logical thinking, dynamic rows, monographic observations, index-ranging and etc.

The results obtained and their novelty: The methodological approaches of defining of functions of agrarian sectors are systematized; the historical stages of developing of agrarian relations are defined; on the base of given criteria the features of developing of agrarian sectors of the Republic, enclosing in evolutionary combinations, historical, transformational, geographical, climatic, organizational-economic, structural and institutional factors, the offers of using of historical experience of agricultural cooperation in modern conditions; the situation of adaptation of agricultural goods producers to the market is proved to be effective only in provision of becoming of state and market management is the decision of priority problems in the agrarian policy of the republic.

Practical value: The results of research can be used in working-out of target programs with the account of modern peculiarities and directions implementing agrarian reforms and as well as giving lectures on such disciplines as “Theory of economics”, “National economics”, “Regional economics”, “Agriculture economics” in higher educational establishments.

Degree of embed and economical affectivity: Scientific proposals and practical recommendations are accepted to the practical activity of the Ministry of agriculture and Irrigation of the Republic of Uzbekistan as well as the teaching activity of the National University of Uzbekistan.

Field of application: Agriculture, higher educational establishment.

Тадқиқотчи:

Босишга рухсат этилди 28.04.2011. Ҳажми 1,5 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади 100 нусха. Бурюма 218.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Иқтисодиёт факультети кичик босмахонасида чоп этилди.

